

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАШИДОВА УМИДА МАНСУРОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ СОМАТИК ИБОРАЛАРНИНГ
СЕМАНТИК-ПРАГМАТИК ТАҲЛИЛИ
(қўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Рашидова Умида Мансуровна

Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик таҳлили
(*кўз, қўл ва юрак* компонентли иборалар мисолида) 3

Рашидова Умида Мансуровна

Семантико-прагматический анализ соматических фразеологизмов
узбекского языка (на примере фразеологизмов с компонентами
кўз, қўл и юрак) 23

Rashidova Umida Mansurovna

Semantic and pragmatic analysis of somatic phraseological units of the Uzbek
language (on example of phraseological units with components *ko`z, qo`l and
yurak*)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАШИДОВА УМИДА МАНСУРОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ СОМАТИК ИБОРАЛАРНИНГ
СЕМАНТИК-ПРАГМАТИК ТАҲЛИЛИ
(кўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.2.PhD/Fil125 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.samdu.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Суюн Амирович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маматов Абдуғафур Эшонқулович
филология фанлари доктори

Қиличев Байрамали Эргашевич
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017.Fil.02.03 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Муҳиддинов М.Қ.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Пардаев А.Б.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Салоҳий Д.И.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI аср жаҳон тилшунослик мактаблари ва оқимларида тилнинг энг муҳим бирликларидан бўлмиш фразеологизмларни соматизмлар парадигмаси асосида ўрганишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Фразеологизмлар ташийдиган лексик, семантик, прагматик, стилистик, когнитив маъноларни ва уларнинг нутқда воқеланишини замонавий методологик тамойиллардан фойдаланган ҳолда умумлаштириш, соматизмлар асосида шаклланган фраземаларнинг лингвостилистик, семантик-прагматик хусусиятлари ҳамда уларнинг нутқдаги мақоми юзасидан аниқ назарий хулосалар чиқариш зарурати мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Жаҳон тилшунослигида фразеологик бирликларни, хусусан, соматик фраземаларнинг семантик майдондаги структур-семантик ва коммуникатив-прагматик жиҳатдан воқеланишини кўрсатиш тенденцияси устувордир. Инсон тана аъзолари номлари билан боғлиқ соматик фразеологизмларни алоҳида лексик-семантик гуруҳ сифатида семантик-прагматик ва стилистик планда тадқиқ этишни ҳам ана шу йўналишда амалга ошириш зарур. Бу ҳол мавзунинг замонавий тилшунослик учун аҳамиятини белгилайди.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослигида фразеологик бирликларни ўрганишда жиддий ютуқларга эришилди. Шу билан бирга яхлит шаклий ва мазмуний структурага эга бўлган соматик фразеологизмларнинг тилда амал қилинишининг фалсафий-гносеологик, миллий-психологик ва этномаданий аспектларини тадқиқ этиш ўзбек тилшунослигининг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Зеро, Президентимиз томонидан «она тилимизнинг бойлигини, унга ҳурмат ва муҳаббатимизни тилимизни дунёга тараннум этиш билан кўрсатишимиз керак»лиги алоҳида таъкидлангани бежизга эмас¹. Шу сабабли соматик фразеологизмларнинг лингвостилистик ва семантик-прагматик хусусиятларини замонавий тадқиқ усуллари билан очиб бериш долзарб муаммолар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда янги тахрирда қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга оширишга қаратилган Давлат дастурига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида 1996 йил 10 сентябрдаги 311-сон қарори талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-рақамли «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва

¹ // <https://www.xabar.uz/jamiyat/shavkat-mirziyoyev-o`zbek-tilining-xalqaro-nufuzini> (December, 2017)

технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида соматик фразеологизмларни ўрганиш XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Соматик фразеологизмлар бир тил (Вакк Ф., Багаутдинова Г.А., Дыбо А.В., Алексеева С.Г., Вайнтрауб Р.М., Егорова Т.И., Седова Н.А.), икки тил (Чэтэ Т., Харченко Л.И. ва Шашков Ю.А., Мугу Р.Ю., Николина Е.В., Арсентьева Е.Ф., Аркадьев П.М., Кононова О.А., Гумерова Н.Ж., Чой Юн Хи), уч тил (Гергокова Ж.Х., Долгополов Ю.А.) доирасида қиёсий ўрганилганлиги маълум¹.

Ўзбек тилшунослигида соматик фраземаларнинг шаклланиши ва уларнинг матн таркибида функционал-семантик хусусиятларини ўрганиш Я.Пинхасов, Ш.Раҳматуллаев, А.Ҳожиёв, Б.Йўлдошев, А.Маматов, А.Исаев, Ш.Абдуллаев, Ш.Усмонова каби олимлар томонидан амалга оширилган².

А.Исаевнинг «Ўзбек тилидаги соматик фразеологизмлар» номли номзодлик диссертациясида соматик ибораларнинг атрофлича тадқиқи амалга оширилган³. Мазкур номзодлик диссертацияси соматик фраземаларни диахрон ва синхрон аспектларда ўрганишга бағишланганлиги билан диққатга сазовордир. Ўзбек тили соматик фраземаларини қирғиз, татар, турк ҳамда туркман тилларидаги соматизмлар билан қиёслашга эътибор қаратган олим улар ўртасидаги умумийлик ва фарқли жиҳатларни аниқлаган. Аммо диссертацияда соматик фраземаларнинг бадиий ва публицистик матнда бажарадиган прагматик-стилистик имкониятлари масаласи тадқиқотчининг эътиборидан четда қолган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг «Ўзбек тили бирликларининг функционал-

¹Долгополов Ю.А. Сопоставительный анализ соматической фразеологии (на материале русского, английского и немецкого языков): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Казань, 1973. – 27 с; Арсентьева Е.Ф. Сопоставительный анализ фразеологических единиц (на материале фразеологических единиц, семантически ориентированных на человека в английском и русском языках). – Казань: Издательство Казанского университета, 1989. – 130 с; Харченко Л.И., Шашков Ю.А. Облик человека в зеркале русского и испанского языков // Логический анализ языка. Образ человека в культуре и языке. – Москва: Индрик, 1999. – С.312-319; Назаров О. Сопоставительный анализ соматических фразеологизмов русского и туркменского языков: Дисс... канд. филол. наук. – Ашхабад, 1973. – 203 с; Азимова М.Н. Сопоставительный анализ соматической лексики и фразеологии таджикского и английского языков: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Душанбе, 1980. – 22 с; Абрамова А.Г. Фразеологические единицы с компонентами – соматизмами в разноструктурных языках: на материале русского и чувашского языков: Дисс. ...канд. филол. наук. – Чебоксары, 2005. – 181 с; Бибилейшвили Ц.В. Типологическое сопоставление французской и грузинской фразеологии (на материале соматических фразеологизмов): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Тбилиси, 1986. – 24 с; Мугу Р.Ю. Полисемантизм соматической лексики: на материале русского и немецкого языков: Дисс... канд. филол. наук. – Майкоп, 2003. – 174 с; Чой Юн Хи. Внутренняя форма соматических фразеологических единиц русского языка (в сопоставлении с фразеологическими единицами корейского языка): Дисс. ...канд. филол. наук. – Москва, 2001. – 225 с; Николина Е.В. Соматические фразеологизмы, характеризующие человека в тюркских языках Сибири и казахском: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Новосибирск, 2002. – 24 с.

²Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик иборалар. Филол. фан. ном. дисс.. – Тошкент, 1998. – 162 б.

³Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1976. – 196 с.

прагматик ва семантик-услубий таҳлили (синхрон ва диахрон аспект)» деб номланган тадқиқот режаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *кўз*, *қўл* ва *юрак* компонентли соматик фраземаларнинг ўзбек тили материали асосида мазмун-моҳиятини аниқлаш ва матнда қўлланиш хусусиятларини семантик-прагматик нуқтаи назардан тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

компьютер дастурлари ёрдамида бадиий ва публицистик матнларда қўлланган *кўз*, *қўл* ва *юрак* компонентли соматик фраземаларнинг маълумотлар базасини яратиш;

соматик фраземаларнинг шаклланиши учун асос бўладиган миллий-маданий ва лингвокогнитив омилларнинг тавсифини бериш;

кўз, *қўл* ва *юрак* компонентли соматик фраземаларнинг бадиий-публицистик матнлардаги эксплицит ва имплицит ифодаланиш усулларини аниқлаш; уларнинг лексикографик талқини ёрдамида концептуал белгиларни ифодалашдаги семантик-прагматик хусусиятларини тадқиқ этиш;

соматизмларнинг фраземалар шаклланиш жараёнидаги иштирокини белгилаш, улар орасидаги градуонимик муносабатни аниқлаш ва матндаги функционал-стилистик, коннотатив хусусиятлари тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти ўзбек тили сўзлашув ва бадиий-публицистик услубларида кенг тарқалган *кўз*, *қўл* ва *юрак* компонентли соматик иборалар.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тилидаги соматик фраземаларнинг шаклланиши ва семантик-прагматик тадқиқи ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Мавзуни ёритишда систем-структур, таснифлаш, тавсифлаш, когнитив, прагматик, лингвокультурологик, компонент ва лингвостатистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилида фаол қўлланивчи *кўз*, *қўл* ва *юрак* компонентли соматик фраземаларнинг прагматик, лингвокультурологик, когнитологик, парадигматик ва синтагматик хусусиятлари очиқ берилган;

кўз, *қўл* ва *юрак* компонентли соматик фраземаларнинг миллий-маданий моҳияти ҳамда сўзлашув, бадиий-публицистик матндаги семантик-прагматик ва функционал-стилистик хусусиятлари асосланган;

инсон тана аъзолари билан боғлиқ соматик фраземаларнинг ўз семантик майдонининг кенглиги, эмоционал-экспрессив жихатдан ранг-баранглиги билан ўз қатламидаги иборалардан жиддий фарқланиши, нисбий коммуникатив устунлиги ҳамда фаоллиги аниқланган;

кўз, *қўл* ва *юрак* компонентли соматик фраземаларнинг бадиий-публицистик матнлардаги эксплицит ва имплицит ифодаланиш усуллари аниқланиб, уларнинг концептуал белгиларни ифодаловчи лексикографик хусусиятлари далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари: *кўз*, *қўл* ва *юрак* компонентли соматик фраземаларни семантик-прагматик ва функционал-стилистик тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар ўзбек фразеологияси учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, тилшуносликнинг когнитология, фразеология,

прагмалингвистика, лингвокультурология, услубшунослик, нутқ маданияти, бадий матн стилистикаси каби фанлар бўйича яратилдиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукамаллашувиغا хизмат қилиши далилланган; махсус дастурлаш технологияларни қўллаш ёрдамида бадий ва публицистик матнларда учровчи *кўз*, *қўл* ва *юррак* компонентли соматик фраземаларнинг маълумотлар базаси яратилган; диссертацияда тадқиқ қилинган материаллар фразеологизмлар луғатининг махсус қисмларини тайёрлаш ҳамда соматик турғун бирикмаларнинг лингвистик табиатини таърифлаб беришда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Таҳлилга тортилган материаллар ўзбек тилининг лингвистик табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик мукамаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги, тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усуллар ҳамда фактик тил материалининг «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», «Ўзбек тилининг фразеологик луғати», «Ўзбек тилининг этимологик луғати» ва туркий тилларга оид бир қатор лексикографик манбаларга қиёсланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари прагматика, лингвокультурология ва когнитология соҳасидаги изланишлар доирасини янада кенгайтиришда, тил бирликларининг ментал моҳиятини чуқурроқ англашда, *кўз*, *қўл* ва *юррак* компонентли соматик фраземаларнинг функционал-стилистик хусусиятларини аниқлашда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек тилшунослигининг когнитология, фразеология, прагмалингвистика, лингвокультурология, услубшунослик, нутқ маданияти соҳаларига оид танланма курслар, семинарлар ташкил қилиш учун ўқув қўлланмалари яратишда фойдаланиш унинг амалий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик таҳлилининг амалга ошириш бўйича олинган илмий натижалар:

соматик фраземаларнинг ўзбек халқ оғзаки ижоди, хусусан, ўзбек мифологияси тилида қўлланилиши хусусидаги хулосалар «Ўзбек мифологияси ва унинг бадий тафаккур тараққиётида тутган ўрни» мавзусидаги Ф1-Ф8-0-19919-рақамли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 10 октябрдаги ФТА-02-11-914 сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг қўлланилиши натижасида ўзбек мифологиясида *кўз тегмоқ*, *юррак солмоқ*, *қўл олмоқ* каби соматик компонентли ибораларнинг ўзбек халқ маросимлари семантикасини очиб бериш имконини берган;

кўз, *қўл* ва *юррак* компонентли соматик фраземаларнинг «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», «Ўзбек тилининг фразеологик луғати», «Ўзбек тилининг этимологик луғати» ва туркий тилларга оид бир қатор лексикографик манбаларга қиёслаб чиқарилган айрим хулосаларидан ФА-Ф1-Г041 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» мавзуидаги фундаментал лойиҳанинг бир

йўналиши бўлган «Ўзбек тили лексикаси мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» қисмида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 1 июндаги 89-03-2142 сон маълумотномаси). Натижада *кўз*, *қўл* ва *юрак* компонентли соматик фраземалар асосида мустақиллик давридан сўнг яратилган ҳамда луғатларда акс этмаган иборалар изоҳлари мукаммалаштирилган;

Ўзбек халқ мақоллари ва дostonлари таркибида айрим соматик ибораларнинг қўлланилиши ҳақидаги хулосалар «Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари» мавзусидаги ХТ-Ф2-004-рақамли ёш олимлар фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 апрелдаги 89-03-1408 сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ўзбек халқ дostonлари ва мақоллари таркибида учрайдиган айрим соматик компонентли иборалар семантикасини ёритишга хизмат қилган;

замонавий ўзбек шеърияти ва насрида қўлланилган соматик компонентли фраземаларнинг ёзувчи ва шоирлар томонидан ижодий-семантик ўзгаришларга учраши, индивидуал-муаллиф ибораларининг ҳосил бўлиши, фразеологизмларнинг турли узуал ва окказионал вазифалари ҳақида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят ҳудудий бўлинмаси қошидаги «Садоқат» ижодий тўғараги ёш ижодкорларига маърузалар қилинган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2017 йил 31 сентябрдаги №01-03/956 сон маълумотномаси). Илмий хулосаларнинг амалиётда қўлланилиши тўғарак аъзолари бўлган ёш ижодкорларнинг бадиий асар яратиш жараёнида энг муҳим воситаларидан бири поэтик тил эканлигини теранроқ англашларига кўмаклашган;

тилимизнинг нодир бойлиги бўлган фразеологик бирликларнинг жонли нутқда кенг қўлланилиши ва нутқ маданиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телеканалининг «Айвон» кўрсатуви ҳамда «O`zbekiston» телерадиоканалининг “Бедорлик”, “Таълим ва тараққиёт” эшиттиришларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телеканалининг 2018 йил 3-апрелдаги 14-01-306 сон маълумотномаси ва Ўзбекистон миллий телерадиоканалининг 2018 йил 15 майдаги 0818-1-87 сон маълумотномаси). Натижада айни кўрсатувлар мазмун-мундарижасининг илмий-оммабоплиги таъминланган ҳамда янги манбалар билан бойиган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 9 та республика илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 40 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 1 та монография (хаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларида 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациясининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган бўлиб, ҳажми 138 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбек тили фразеологик тизимида соматик ибораларнинг ўрганилиши**» деб номланган биринчи бобида соматик ибораларнинг жаҳон ва ўзбек тилшунослигида ўрганилганлик даражаси хусусида фикр юритилган.

Мазкур бобда тилшунослик илмига *соматизм* ва *соматик фразеологизм* тушунчаларининг кириб келиш тарихи ҳамда бу атамаларни илк бор қўлланган Ф.Вакк ва Э.М.Мордковичларнинг тадқиқотлари ҳақида, соматик фразеологизмлар ва уларнинг лингвистик табиатини тадқиқ этиш XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланганлиги ҳамда бу тадқиқотларда уларнинг бир тил, баъзиларида икки-уч тил доирасида қиёсий ўрганилганлиги тўғрисида фикрлар юритилди¹.

Диссертацияда соҳа тадқиқотчиларининг соматик фразеологизмлар назарияси ривожига қўшган ҳиссалари таҳлил этилди. Жумладан, Ф.Ваккнинг эстон тилидаги соматик фразеологик бирлик(ФБ)лар қардош тиллар (фин, лив) ва қардош бўлмаган тиллар (немис, инглиз, латиш, рус, швед, француз) билан қиёслаиб ўрганилган докторлик диссертациясига, М.В.Орёл, В.М.Мокиенко, Р.М.Вайнтраубларнинг рус ва славян тилларидаги соматик фразеологизмларга бағишланган ишларига тўхталиб ўтилди.

Ўзбек тилшунослари ҳам тилдаги фразеологик бирликларнинг шаклланиш тамойиллари, уларнинг ўзбек нутқи функционал кўринишларида яшаш шарт-шароитлари, услубий имкониятлари, жумладан, бадий-публицистик матнлардаги эмоционал-экспрессив вазифалари борасида

¹ Вакк Ф. О соматической фразеологии в современном эстонском литературном языке: Автореф. дис. ...канд.филол.наук. –Таллин, 1964. –23 с; Долгополов Ю.А. Сопоставительный анализ соматической фразеологии (на материале русского, английского и немецкого языков): Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. – Казань, 1973. –27 с; Ганиева Г.Р. Фразеологические единицы с компонентом именем собственным в английском, русском и татарском языках (монография). – Нижнекамск, 2012. –106 с; Богус З.А. Соматизмы в разносистемных языках: семантико-словообразовательный и лингвокультурологический аспекты (на материале русского, адыгейского и английского языков): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Майкоп, 2006. –26 с; Гергокова Ж.Х. Фразеологическая концептуализация понятия «человек» (на материале карачаево-балкарского, английского и русского языков): Дисс. ...канд. филол.наук. – Нальчик, 2004. – 193 с.

сезиларли тадқиқотларни амалга оширдилар. Бу кузатишлар нафақат бир тил, балки бир неча тилларни қиёслаш асосида ҳам олиб борилди. А.Исаев, О.Назаров, Ш.Усмонова, Ш.Назирова, Ҳ.Алимовалар томонидан соматик фразеологизмларни ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар ўзбек тилидаги фразеологик бирликларнинг лингвистик ва онтологик табиатини ўрганишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди¹.

Мазкур бобда А.Исаевнинг «Ўзбек тилида соматик фразеологизмлар» номли номзодлик диссертациясига атрофлича тўхтаб ўтилди ва муносабат билдирилди. Бундан 42 йил муқаддам ҳимоя қилинган мазкур диссертация асосий эътиборни ўзбек тилидаги соматик фраземаларнинг компонент таҳлили ҳамда қардош туркий тиллар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлашга қаратганлиги, қадимги туркий тиллар ёзма манбаларида учрайдиган соматизмлар жадвал асосида умумлаштирилгани билан аҳамиятлидир. Жадвалда 41 та фразеологик ибора таркибида қўлланган соматизмлардан *тил* (29 марта), *бош* (28), *кўз* (27) ва *қўл* (22) юқори ўринни эгаллашлиги ҳақида хулосага келинган². Аммо мазкур рўйхатдан *илик* соматизми ўрин олмаган. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» да *илик* сўзи *суяк ичидаги ёғсимон модда* маъносини билдириши кўрсатилган³. Ваҳоланки, тилимиздаги *илиги тўқ*, *илиги қуримоқ*, *илиги пучаймоқ*, *илигини ўйнатмоқ* каби иборалар ана шу лексик соматизм асосида ҳосил бўлган.

Олим ўзбек тили фразеологик фондида 17,5 фоизни ташкил этган 1400 га яқин соматик компонентли фраземаларни ўрганган ва бунда Х.Бердиёровнинг 8000 дан зиёд тўплаган фразеологизмлар картотекасига асосланган.

Аммо мазкур тадқиқотда соматик фраземаларнинг структур ўзгаришларга учраши, трансформациялашуви, матнда қандай стилистик ва семантик-прагматик имкониятларни намоён қилиши каби ҳодисалар эътибордан четда қолган. Бизнинг тадқиқотимизда масаланинг ана шу жиҳатларига асосий эътибор қаратилди.

Мавзуга оид тадқиқотлардан яна бири Ш.Усмонованинг «Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар» мавзусидаги номзодлик диссертациясидир. Иш ўзбек ва турк тилларидаги соматик фразеологизмларнинг лексик-семантик, грамматик ва қиёсий тадқиқига бағишланганлиги, унда бу икки тилдаги соматик фразеологизмларнинг

¹ Назаров О. Сопоставительный анализ соматических фразеологизмов русского и туркменского языков: Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. – Ашхабад, 1973. – С.16-17; Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка. Дисс. ...канд. филол.наук. – Ташкент, 1976. – 196 с; Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик иборалар. Филол. фан. номз. дисс. ... – Тошкент, 1998. –162 б; Назирова Ш.О. Семантическая структура и сочетаемость соматизмов в английском, узбекском и русском языках. Дисс. ...канд. филол.наук. – Ташкент, 2004. – 145 с; Алимова Х.З. Дарий тилида соматизмларнинг структур ва семантик таснифи : Филол.фан.номз. дисс. ... – Тошкент, 2005. – 139 б.

²Исаев Алайбат. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Автореф. дисс. на соиск. учен. степени канд. филол. наук / АН УзССР. Ин-т яз. и литературы им. А.С. Пушкина. –Ташкент, 1977. – 23 с.

³Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди, Биринчи жилд. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 321.

миқдори ва улар таркибида фаол қатнашган сомаларнинг аниқланганлиги; бу тиллардаги соматик фразеологизмлар структур-семантик жиҳатдан таснифланганлиги; ҳар икки тилдаги бирикмага ва гапга тенг фраземалар муқобил ва номуқобил иборалар гуруҳларига ажратилганлиги, уларнинг шаклий-мазмуний ўхшашлик ва фарқли томонлари ёритиб берилганлиги билан илмий қимматга эгадир.

Мавзу юзасидан жаҳон ва ўзбек тилшунослигида эълон қилинган тадқиқотларни кўздан кечириш инсон тафаккури ҳамда когнитив оламининг маҳсули бўлган соматик ФБларнинг маъно англатиш кўлами ва бадий-эстетик тафаккур доирасидаги актуаллашуви ниҳоятда кенглигини, уларни муайян чегара билан ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди. Ушбу тадқиқотимизнинг *кўз*, *қўл* ва *юрак* компонентли фразеологик бирликлар доирасида чегараланганлигининг боиси ҳам шу.

Иккинчи боб «**Ўзбек тилида кўз, қўл ва юрак компонентли соматик фраземаларнинг парадигматик ва синтагматик хусусиятлари**» деб номланиб, уч фаслни ўз ичига олади.

Бобнинг «*Ўзбек тилида кўз компонентли соматик фраземаларнинг парадигматик ва синтагматик хусусиятлари*» деб аталган биринчи фаслида *кўз* компонентли ибораларнинг шаклланиши ҳамда парадигматик ва синтагматик хусусиятлари ёритилган.

Кўз умумтуркий сўз¹. Ушбу соматик бирлик Алишер Навоий асарларида ҳам фаол қўлланган². Тилимизда *кўз* соматизми асосида юздан ортиқ умумтуркий иборалар шаклланган. Бу ҳақда А.Исаев ва А.Маматовларнинг тадқиқотларида ҳам маълумотлар бор. Жумладан, А.Исаев тилимиздаги *кўзга кўринмоқ*, *бўйнига олмоқ*, *тилини тиймоқ*, *кўзи оч (бўлмоқ)*, *бўйин сўнмоқ* сингари фразеологизмлар қадимда ҳам фаол қўлланганлигини, қадимги туркий тилдаги 249 та иборадан ҳозирги кунга келиб у ёки бу ўзгаришлар билан 54 таси сақланиб қолганлигини, бошқалари эса аста-секинлик билан истеъмолдан чиқиб кетганлигини таъкидлайди³. Бундай ҳолатни Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони тилида ҳам кузатамиз: *кўз олдига келтирмоқ*, *хаёл қилмоқ* маъноларини ифодалаш учун асарда *кўзга кюрмоқ* ибораси қўлланган: *Тасвир этибон юзи хаёлин*, *Кўзга кюруб қади мисолин*. Ҳозирги кунда эса бу ибора тилимизда архаиклашган.

Кўз компонентли фраземалар инсоннинг чексиз ва турли-туман ҳис-ҳаяжонини, физиологик жараёнларини ифодалашга хизмат қилади, уларнинг асосий қисми структурал жиҳатдан от+феъл тузилишига эга бўлган икки

¹Бу сўзнинг маънолари қуйидаги манбаларда изоҳланган: Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2000. – Б.221. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдли, Иккинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. –Б. 443-447.

²Жумладан, шоир асарларида *кўзига мийл тортмоқ*, *кўзга кюриб*, *кўзлари танг келмоқ*, *кўз тикмоқ*, *кўз тушмоқ*, *кўзига тўтиё бўлмоқ*, *кўз учидин боқмоқ*, *кўздin гойиб бўлмоқ* каби фразеологизмлар учрайди. Улар уч маънога эга бўлган: 1. Кўз; 2. Кўриш қобилияти, кўз қараш; 3. Нуқтаи назар, фикр, дунёқараш. Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, тўрт томлик, II том. – Тошкент: Фан, 1983, – Б.145-148.

³ Исаев А. Древнетюркские соматические фразеологизмы // Труды СамГУ, новая серия. № 277. Вопросы фразеологии. VII. – Самарканд, 1976. – С. 212-220.

хамда уч компонентли феъл иборалардир: *кўзига кўринмоқ, кўзи тушмоқ, кўздан қочирмоқ, кўзга ташланмоқ, кўз югуртирмоқ, кўздан йўқолмоқ, кўз(и)га иссиқ кўринмоқ, кўз(и)га яқин кўринмоқ, кўз(и)га совуқ кўринмоқ, кўз(и)ни тўрт қилмоқ* каби.

Кўз компонентли ФБларнинг маълум қисми сифат бирикмалар бўлиб, структурал жиҳатдан от+сифат(сон) тузилишга эга. Масалан, *кўзи кўр, қулоғи кар, кўзи оч, кўзи тўрт, кўзи очиқ, кўзи тирик, кўзи тор, кўзи тўқ, кўзи ўткир, кўзга кўринарли* каби. Бу ФБларнинг барчаси шахснинг маълум бир ички руҳий ҳолатини ифодалаш учун хизмат қилади.

ЎТИЛда *кўзини очиб қўймоқ* ёки *кўзини мошдек очиб қўймоқ* иборасининг икки маъноси таъкидланган: 1) хушёр қилиб қўймоқ, ўзига келтирмоқ; 2) таъзирини бермоқ, бопламоқ [ЎТИЛ, I, 411]. 2006 йилда нашр этилган янги ЎТИЛда эса *кўзини мошдек очиб қўймоқ* иборасининг фақат бир маъноси таъкидлаб кўрсатилган: қилган ишига яраша танбеҳ, жазо билан ўзига келтириб қўймоқ [ЎТИЛ-5, 2, 619].

Ойбекнинг «Болалик» қиссасида *кўзи мошдек очилди* ибораси умуман бошқа маънони шакллантирган. Қиссада бу ибора *дарддан фориз бўлмоқ* маъносини ифодалаб, ижобий муносабат маъносида қўлланган: – *Бўлди-бўлди, қутулдинг, чирогим. Энди соғсан, – дейди бошимни силаб аёл. Бечора болани шунча қийнабсизлар, мана кўзи мошдек очилди, – дейди аёл кулиб, отамга қараб (Ойбек. Болалик).* «Ўткан кунлар» романида бу ибора муаллиф нутқида қўлланган бўлиб, *хушёр тортмоқ* маъносини билдиради: *Бу саволдан унинг кайфи тарқалгандек бўлиб, кўзлари мошдек очилди (А.Қодирий. Ўткан кунлар).*

Кўринадики, *кўзини мошдек очмоқ* бирикмага тенг ибораси ва *кўзи мошдек очилди* грамматик жиҳатдан гапга тенг қурилишли ФБлар ифодалаган маънолар бир-биридан фарқланади.

Тилимизда *кўз* компонентли *кўз қири, кўз қорачиги, кўз(и)нинг қорачиги, кўзга дори* сингари от ҳамда *кўзи бежо, кўз илғамас, кўзи така-пука, кўз очиб кўрган, кўз қорачигидек, кўзини бақрайтириб, кўз қорасидек, кўз қири билан, кўз ўнгида, кўз тагидан* каби равиш фразеологизмлар шаклланган.

Кўз компонентли соматик ФБлар матнда ўзига хос синтагматик хусусиятларни намоён қилади. Масалан, омоним ФБларнинг кўпчилиги икки маънони англатади. Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг фразеологик луғати» да *кўз илғамас* ибораси омоним ибора сифатида изоҳланган: *Кўз илғамас* I. *Билинар-билимас, майда*. II. *Чексиз, поёни кўринмайдиган*. А.Қахҳор «Сароб» романида иборанинг *билинар-билимас* маъносидан фойдаланган: *Этагини кўз илғамайдиган ранг-баранг, йирик-йирик ер карталари; боғлар, чорбоғлардаги, хиёбон, кўча ва йўллардаги садарайҳондай қулф уриб, намозшомгулдай тарвақайлаб, гулихайридек бўйга зеб бериб ўсган дарахтлар*. Ҳ.Олимжон эса бу омоним фраземанинг иккинчи маъносини кўллаган: *Сенинг кўз илғамас майдонларингда, Жаҳаннам қўрқажак жанглари кўрдим*.

Кўз компонентли иборалар ўртасида синонимия ҳодисаси кенг тарқалган. Масалан, кўз юммоқ ибораси ўлмоқ маъносини ифодалайди. Луғатларда бу иборанинг дунёдан ўтмоқ, дунёдан кетмоқ каби синонимлари кўрсатилган. Т.Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романида бу иборанинг кўзига тупроқ тўлмоқ синонимидан фойдаланилган: – *Шахт билан хонадан чиқаркан, эшиттириб пичинг қилди: – Бетингдан бузилгур, юзсиз! Ойимнинг кўзига тупроқ тўлмасдан туриб...* (Т.Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди).

Демак, кўз компонентли ибораларнинг парадигматик ва синтагматик шаклланиши мураккаб структурал-семантик жараён бўлиб, бу хусусиятлар матнда, нутқий вазиятда яққол намоён бўлади.

Бобнинг «Ўзбек тилида қўл компонентли соматик фраземаларнинг парадигматик ва синтагматик хусусиятлари» деб аталган иккинчи фаслида қўл компонентли ибораларнинг шаклланиши ҳамда парадигматик ва синтагматик хусусиятларни намоён қилиши ўрганилган.

Ш.Раҳматуллоевнинг фразеологик луғатида қўл компонентли 70 га яқин иборанинг маъноси изоҳланган. Уларнинг айримлари инсоннинг идрок этиши билан боғлиқ бўлиб, унинг рухий олами ва ҳис-туйғуларини ифодалайдиган иборалар сирасига кирса, баъзилари миллий дунёқараш меъёрларига бориб тақалади.

Ана шундай ибораларни шакллантирувчи таянч сўз сифатида қўл соматизми лексемалар билан бирикиб, турли лексик-грамматик гуруҳларга мансуб фраземаларнинг шаклланишида иштирок этади. Соматик компонентли фраземалар парадигмасини аксарият ҳолларда икки компонентли от+феъл тузилишига эга бўлган феъл иборалар ташкил этади: *қўл бермоқ, қўлга олинмоқ, қўлга кирмоқ, қўлга олмоқ, қўлга тегмоқ, қўлга тушмоқ, қўлдан бермоқ, қўлдан кетмоқ, қўлдан чиқмоқ* каби. Бунда феъл грамматик таянч компонент вазифасини ўтаса, қўл сўзи семантик таянч компонент бўлиб, фраземаларнинг мантиқий асосини белгилайди.

Масалан, икки компонентли *қўлга олмоқ* ибораси Ш.Раҳматуллаев луғатида омоним ибора сифатида изоҳланган: 1. Ўз ихтиёрига ўтказмоқ. 2. Қўққисдан хужум қилиб босиб олмоқ (расмий). 3. Ҳибс қилмоқ. Қамаш мақсадида тутмоқ (расмий). 4. Ўз хоҳишига бўйсунадиган қилмоқ [ЎТФЛ, 206]. ЎТИЛда эса *қўлга олмоқ* иборасининг фақат икки маъноси изоҳланган: 1. Пора бериш, алдаш ва ш.к. йўллар билан ўзига мойил қилмоқ. 2. Ушлаб, тутиб олмоқ, асир олмоқ, банди қилмоқ, қамамоқ [ЎТИЛ-5, 5, 303].

Қўл компонентли иборалар парадигмасида «от+сифат» ёки «сифат+от» моделидаги сифат иборалар фаолдир: *қўли баланд, қўли банд, қўли бўш, қўли гул, қўли енгил, қўли калта, қўли очиқ, қўли эгри, қўли қисқа* каби. Сўзлашув нутқида кенг қўлланадиган, ички синтактик қурилиши гапга тенг бўлган, инсоннинг бир неча сифатларини акс эттирувчи *қўли синиқ* ва *қўли ширин* сифат ФБлари негадир луғатларда ўз аксини топмаган.

Қўли синиқ ибораси оғзаки нутқда ҳеч бир ишни эпполмайдиган шахсларга нисбатан қўлланилиб, метофоризация асосида шаклланган ва *қўли гул*, *қўли олтин* фраземалари билан ўзаро оппозициядадир: *Ҳатто пиёваниям эплаб пишира олмайдиган қўли синиқ-ку бу!* (Н.Норқобилов. Пахмоқ); *Шундай қўли гул усталаримиз бор, боплаб ташлайди* (Т.Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди); *Зеҳни беҳад баланд, қўли олтин экан* (Ойбек. Навоий) каби.

Тилимизда кам бўлса-да, қўл компонентли *қўли-қўлига тегмай*, *қўлидан келганча*, *қўл учида* каби равиш ва *қўли эгрилик*, *қўли калталик*, *қўли бандлиги*, *қўли баландлиги* каби от ФБлар шаклланишини ҳам таъкидлаймиз.

Қўл компонентли ФБлар ўртасидаги синтагматик муносабатлар омонимия (*қўл кўтармоқ I – қўл кўтармоқ II*), синонимия (*қўлдан кетмоқ – қўлдан чиқмоқ*), антонимия (*қўли синиқ – қўли гул*) кўринишларида кенг тарқалган. Бундан ташқари, қўл компонентли ФБлар ўртасидаги грамматик (*қўл урмоқ / қўлни урмоқ*, *қўл силтамоқ / қўлни силтамоқ / қўлини силтамоқ*, *қўлга тушмоқ / қўлига тушмоқ*, *қўлдан чиқмоқ / қўлидан чиқмоқ*; *қўлдан кетмоқ / қўлидан кетмоқ*) ва лексик вариантлашиш (*қўли калта бўлди / қўли калталик қилди*; *қўли калта / қўли қисқа*; *қўлга олмоқ / ўз қўлига олмоқ*; *беш қўлдай аён / беш бармоқдай аён / беш панжадай аён*) ҳодисалари ҳам мавжуд: *Бу ишларнинг барчаси каминага беш бармоқдай аён* (Ойбек. Навоий); *Ўша кун беш қўлдай бўлади аён, Четга қочолмагай ҳеч ким талпиниб* (У.Азим. Янгиланиш) каби.

«Ўзбек тилида **юрак** компонентли соматик фраземаларнинг парадигматик ва синтагматик хусусиятлари» деб номланган учинчи фаслда **юрак** компонентли ибораларнинг шаклланиши, парадигматик ва синтагматик хусусиятлари очиб берилган.

Юрак умумтуркий сўз бўлиб, унинг парадигмасида феъл (*юраги гашиланмоқ*, *юраги қинидан чиқмоқ*), сифат (*юраги қон*, *юраги қора*, *юраги безовта*) ва от иборалар (*юрак ўйнаши*, *юрак гаши*, *юрак бетлаш*) шаклланган. Бу бирликлар ичида феъл иборалар нисбатан кўпчиликини ташкил этади.

Юрак компонентли феъл ибораларнинг аксарияти икки компонентли от+феъл моделига эга: *юраги ачиди*, *юраги бетламади*, *юраги бўшади*, *юрагига тугмоқ*, *юрагидан чиқмоқ*, *юрагидан урмоқ*, *юрагини ёзмоқ*, *юрагини очмоқ* каби. Бунда от туркумидаги **юрак** соматизми жўналиш, тушум ва чиқиш келишиги қўшимчаларини қабул қилиб, фраземаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Юрак соматизми асосида шаклланган от+сифат парадигмали икки компонентли сифат ФБларга куйидагилар киради: *юраги покиза*, *юраги кенг*, *юраги тор*, *юраги кир*, *юраги қора*, *юраги така-пука*, *юраги тош*, *юраги соф*, *юраги қон* каби.

Уч компонентли **юрак** соматизми асосида шаклланган ФБларнинг аксарияти от+от+феъл тузилишга эга. Бунда биринчи от вазифаси **юрак** сўзига юклатилса, иккинчи *от* туркуми вазифасини *ваҳима*, *қўл*, *қил*, *гулгула*, *қон* каби

сўзлар бажаради: *юрагига қўл солмоқ, юрагига қил сизмаслик, юрагига ваҳима солмоқ, юрагига гулгула солмоқ, юрагини қон қилмоқ* каби.

От+от+феъл тузилишга эга *юрагига ўт ёқмоқ* фраземасининг ЎТФЛда *таъсир этиб руҳлантирмоқ, сафарбарлик кайфиятини юзага келтирмоқ; ЎТИЛда бирор нарсага завқ иштиёқ, интилиш ҳиссини кўзгатмоқ, уйғотмоқ* каби маъноларни ифодалаши кўрсатилган. А.Қаҳҳор мазкур иборани руҳан қийналишга сабабчи бўлган *юрагига ўт солмоқ*нинг варианты сифатида қўллаганлиги уни полисемантик ибора деган хулосага келишимизга имкон беради: *Лекин бу нарса Қаландаровнинг тафтини босолмади, аксинча, юрагига ўт ёқди: Саида сал кунда одамларга эл бўлиб қолибди, у бормаган бригада, у танимаган колхозчи йўқ! (А.Қаҳҳор.Синчалак)*каби.

Ўт сўзи ЎТИЛда шаклдош сўз (ўт I, ўт II) сифатида изоҳланган ва унинг биринчи маъноси – *ўт, олов тўққиз* маънони ифодалаши қайд этилган.

Юрагида ўт ёнмоқ от+от+феъл моделида шаклланган ибора таркибидаги *ўт* сўзи ЎТИЛда кўрсатилган бешинчи маъноси – *киши руҳиятидаги, қалбидаги аланга, оловга* тенг келади. Зулфиянинг «Кутиш» шеърида бу ибора балоғат ёшидаги қизнинг қалбида кечган руҳий ҳолат ифодаси сифатида қўлланган: *Қиз кутишининг завқи билан маст, Яна юрагида ўт ёнди...*каби.

От+ўт+модал сўз моделидаги *юрагида ўти бор* сифат ибораси Ш.Раҳматуллаев луғатида *гайратли, шижоатли* маъносини ифода этиши кўрсатилган бўлиб, ўз ўрнида *юрагида ўти йўқ* иборасига нисбатан антонимдир. Мазкур ибора маъноси ЎТИЛда *ўт* сўзи ифодалаган еттинчи маъно – *қалбида шундай ўти борга* кенг келади. Бу сифат ибора шахсларга ижобий баҳо беришда қўлланади. А.Қаҳҳор бу иборани бир ўринда ўзгаришсиз келтирса, бошқа бир ҳолатда унинг семантикасини кенгайтириб, *юрагида ёли бор* индивидуал-оқказионал иборасини шакллантирган: *Ёши бир жойга бориб қолган бўлса ҳам юрагида ўти бор (А.Қаҳҳор); Мен юрагида ёли бор одамлар билан ишлаб ўрганганман (А.Қаҳҳор).*

Ушбу кузатишлар ҳар қандай матннинг парадигматик ва синтагматик таҳлилигина унинг таркибида келган лингвистик бирликлар ҳақидаги илмий хулосаларнинг асосли бўлишига олиб келиши мумкинлигини кўрсатди.

Ўзбек тили соматик фразеологизмларининг грамматик таркиби *соматизм+феъл, соматизм+от, соматизм+сифат, соматизм+равиш* каби тузилмаларида шаклланганлиги ҳамда уларнинг турланиш ва тусланишдаги умумийликлар ФБлар парадигмасини белгилашда асосий мезон вазифасини ўтайди.

Бир парадигма доирасида бирлашган фразеологик бирликлар маъносида семантик умумийликлар бўлишига қарамасдан, улар функционал-стилистик жиҳатдан фарқланади. Шу сабабдан, уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш ҳамма вақт ҳам мумкин бўлавермайди ёки қўлланганда ҳам ўз тасвирийлиги ва ифода оттенкасига кўра бири бошқасидан ажралиб туради.

Учинчи «Ўзбек тилида *кўз, қўл ва юрак* компонентли **соматик фраземаларнинг семантик-услубий хусусиятлари**» деб номланган бобда ўзбек тилидаги *кўз, қўл ва юрак* компонентли соматик фраземаларнинг бадий хамда публицистик матнлардаги узуал ва окказионал хусусиятларни намоён қилиши таҳлил этилган. Боб икки фаслдан иборат.

Ўзбек тили ФБлари таркибига кирадиган соматик фразеологизмлар орасида *кўз, қўл, юрак* компонентли кўринишлари семантик майдонининг кенглиги ва эмоционал-экспрессив жихатдан ранг-баранглиги билан ўз қатламидаги иборалардан жиддий фарқланади ва бу уларнинг нисбий коммуникатив устунлиги хамда фаоллиги билан изоҳланади. Бу фаоллик, бир томондан, соматик фраземаларнинг трансформациялашувига, уларнинг экспрессивлиги ва функционал кўламининг кенгайишига сабаб бўлса, иккинчи томондан, турғунлашувига олиб келади. Турғунлашган, анъанавий соматик ФБлар тил ходисаси, трансформациялашган кўринишлари эса нутқ ходисаси сифатида эътироф этилади. Тил бирлигининг актуаллашуви натижасида юзага келган образли-тасвирий восита нутқ жараёни учун қанчалик муҳим аҳамият касб этса, бу элементларнинг тил луғат фонди лексик-фразеологик қатламининг бойиб боришидаги хизмати хам шунчалик каттадир. Бу – тилда «фразеологик фон динамикасини таъминловчи» (В.Мокиенко) узлуксиз жараёндир. Уларнинг узуал ва окказионал тарзда гуруҳланишига, тадқиқотчилар уларни номловчи ва ифодаловчи иборалар деб номлашларига хам ана шу назарий асос сабаб бўлган. Бобнинг биринчи – «Ўзбек тилидаги *соматик ибораларнинг узуал услубий хусусиятлари*» фаслида ана шу ҳақда сўз боради.

Ўзбек тилидаги *кўз, қўл ва юрак* компонентли соматик ибораларнинг асосий узуал услубий хусусиятлари сифатида қуйидагиларни ажратамиз¹:

1. *Номинативлик вазифаси.* ФБларни маъно турлари жихатидан *номловчи иборалар* ва *ифодаловчи ибораларга* ажратиб таснифлаш Ш.Раҳматуллаевга мансуб. Дарҳақиқат, *қўл кўтармоқ* ибораси маъносининг бир йўналишида тасвирийлик йўқолиб борган ва *тарафдорлик, розилик* маъноси сақланган: *Не деб айтар ул баобрў анжуман, Қўл кўтарсин ушбу ҳолга розилар* (Э.Воҳидов. *Бу замоннинг газали*).

2. *Нутқни ихчамлаштириши вазифаси.* Ибораларнинг айримлари маънони ихчамлаштириш – лаконизациялаш хусусияти билан ажралиб туради. Предикатив сўз бирикмаси вазифасида келган иборалар, айниқса, ихчамлашиш хусусиятига эга. Масалан, *кўнгилчанлик туфайли ботина олмаслик, аягани туфайли ташлаб кета олмаслик, кўнгил тортар нарсасидан воз кеча олмаслик* ҳолатлари *қўзи қиймади* ибораси билан; *қаттиқ чўчимоқ, қўрқмоқ юрагим ёрилди* билан; *ичида йиғилиб қолган ҳасрат-надоматини айтиб, йиглаб, руҳан енгиллашмоқ* ҳолати *юраги бўшади* билан; *нимадандир*

¹Бу ҳақда яна қаранг: Йўлдошев Б., Рашидова У. Ўзбек тилининг фразеологик стилистикаси. Монография. – Тошкент: Наврўз, 2016. –Б. 82.

хавфсираб, бирор ишни қилишга жазм қила олмаслик қўли бормади ёки юраги чопмади, юраги бетламади иборалари билан ихчам тарзда ифода этилади: *Қайта искаланмоққа юраги чопмай, аланглаб илонни қидирарди. Аммо у ерга синггандай зойиб бўлганди* (Н.Норқобилов. *Тоғдаги ёлғиз одам*).

3. *Образли ифодалаш вазифаси.* Бундай вазифани кўпинча, турғун ўхшатишлар ёки компаратив ФБлар бажаради¹. Масалан, *кўз қорачигидай, кўздай яқин, кўз ёшидай, беш қўлдай аён, отнинг калласидек юрак, кўзи ўтдек ёнмоқ, юрагини сичқон каби кемирмоқ, юрагини каламушдек тирнамоқ, юраги қайнаган ошдек шопирмоқ, юраги қайнаб кетгандек бўлмоқ* каби фраземалар таркибидаги ўхшатиш эталони фикрни яна ҳам образли ифодалашга хизмат қилади.

Адабий тилда кўркмас, довюрак шахсларга нисбатан *юраги катта, отнинг калласидай юрак, отнинг юрагидай юраги бор* каби ФБлар қўлланади. Булар таркибидаги «отнинг юраги», «отнинг калласи» ўхшатиш эталонлари ботирлик семантик белгисини яна ҳам кучайтирган: *Биз сизни отнинг юрагидай юраги бор деб ўйлардик...* (О.Ёқубов. *Адолат манзили*); *Қойилман бу акажонимга! Отнинг калласидек юраги бор экан аммо!* (О.Ёқубов. *Адолат манзили*).

